

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ЭЛМУРОД АБДУҚОДИРОВИЧ

ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ТОЛАЛИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР АСОСИДА ЯНГИ
ТУРДАГИ ҚОҒОЗСИМОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.14-Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the abstract of doctoral dissertation

Эгамбердиев Элмурод Абдукодирович

Целлюлоза ва толали тўлдирувчилар

асосида янги турдаги қоғозсимон

материаллар олиш технологияси.....3

Эгамбердиев Элмурод Абдукодирович

Технология получения новых видов

бумажных материалов на основе

целлюлозных и волокнистых

наполнителей.....29

Egamberdiev Elmurod Abduqodirovich

Technology for obtaining new types

of paper materials based on cellulose

and fiber fillers.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.T.04.01. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ ЭЛМУРОД АБДУҚОДИРОВИЧ

ЦЕЛЛЮЛОЗА ВА ТОЛАЛИ ТЎЛДИРУВЧИЛАР АСОСИДА ЯНГИ
ТУРДАГИ ҚОҒОЗСИМОН МАТЕРИАЛЛАР ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.14 -Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.DSc/T553 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) илмий кенгаш веб саҳифаси (www.tkti.uz) ва «Ziyoueb» таълим ахборот тармоғида (www.ziyoue.net) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Раҳмонбердиев Гаффор
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сайфутдинов Рамзиддин
техника фанлари доктори, профессор

Абед Нодира Сойибжановна
техника фанлари доктори, профессор

Мирзахмедова Муниса Хакимджановна
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc 03/30.12.2019.T.04.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «26» 12 с/ат 9⁰⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871)244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (96 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўч. 32. Тел.: (99871)244-79-20.)

Диссертация автореферати 2022 йил «26» 11 кун тарқатилган.

(2022 йил «26» 11 даги № рақамли реестр баённомаси).



С.М. Туробжонов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И. Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби т.ф.д., профессор

А.И. Икромов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари т.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида табиий полимерлар асосида, айниқса органик ва ноорганик толалардан фойдаланиб олинган қоғоз ва қоғоз материалларидан кимё, озиқ-овқат ва қурилиш саноатида фойдаланиш йилдан йилга ошмоқда. Шу билан бирга, органик ва ноорганик толалар асосида композицион материаллар, ишлатилган иккиламчи қоғоз турларидан деформацион мустаҳкам наноцеллюлоза олиш, ноанъанавий толалардан фойдаланган ҳолда ноёб, механик ва оптик хусусиятлари юқори бўлган қоғоз ва қоғоз материаллари таркибини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда табиий полимерлар асосида қоғоз ва қоғоз материаллари ишлаб чиқариш технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, ферментатив реакциялар орқали нанометрик целлюлоза ва лигноцеллюлоза қўшимчалари билан мустаҳкамланган полимер матрицаси олишнинг илмий асосини яратиш, органик табиий полимерлар ва ноорганик боғловчилар асосида янги, деформацияга бардошли, термик ва кимёвий барқарор, изоляцион қоғоз материаллари ишлаб чиқаришнинг жадаллаштирилган технологияларини яратиш ва синовдан ўтказиш алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, рақобатбардош маҳсулотлар турлари ва ҳажмини кенгайтириш, маҳаллий хомашёлар асосида қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш замонавий технологияларда амалга оширувчи, энергия ва ресурстежамкор тизимлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «саноатни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хом ашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ўзлаштириш»¹ бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада табиий полимерлардан самарали композицион материаллар олиш, улар асосида юқори термик, кимёвий ва биологик барқарор, изоляциялаш хусусиятларга эга қоғоз ва қоғоз маҳсулотлар таркибини яратиш ва ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 майдаги ПҚ-4302-сонли «Саноат кооперациясини янада ривожлантириш ва талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сонли «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 23 майдаги ПҚ-4335-сонли

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги фармони

«Курилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги, 2017 йил 6 апрелдаги ПФ-4891-сонли «Товарлар (ишлар, хизматлар) ҳажми ва таркибини танқидий таҳлил қилиш, импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш тўғрисида»ги ва 2022 йил 6 июлдаги ПҚ-307-сонли «2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасида инновацион ривожланиш стратегияси тўғрисида»ги фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Табiiй полимерлар, ноорганик толали тўлдирувчилар асосида янги турдаги қоғоз материаллари олиш технологияси ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Czech University of Life Sciences Prague (Чехия), Indian Institute of Technology (Ҳиндистон), North China Electric Power University (Хитой), National Research Council (Италия), Poznan University of Technology (Польша), University of Science and Technology in Bydgoszcz (Польша), University of Belgrade, Center for the synthesis, processing and characterization of materials for use in extreme conditions “CEXTREME LAB”(Сербия), Universidad Politécnica de Madrid (Испания), University of Management & Technology Lahore (Покистон), Universiti Malaysia Perlis (UniMAP) (Малайзия), Georgia Institute of Technology (АҚШ), Ulsan National Institute of Science and Technology (UNIST) (Корея), Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Тошкент кимё-технология институти (Ўзбекистон) да олиб борилмоқда.

Табiiй полимерлардан юқори термик, кимёвий ва биологик барқарор, изоляциялаш хусусиятларга эга қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олишда энергия ва ресурстежамкорлик ҳамда композицион материалларнинг технологик потенциалидан рационал фойдаланишга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар юзасидан қатор илмий натижалар олинган, жумладан, бир ва кўп йиллик ўсимликлардан целлюлоза олиш ва уни композицион материалларга қайта ишлашнинг илмий асослари яратилган (Indian Institute of Technology, Ҳиндистон ва North China Electric Power University, Хитой), композитлар таркибига турли органик ва ноорганик толаларни киритиб мустаҳкам материаллар олиш технологиялари яратилган (Czech University of Life Sciences Prague, Чехия), целлюлоза асосли материаллар таркибига базальт, шиша ва углерод толалари киритиб қоғоз ишлаб чиқариш (National Research Council, Италия ва Poznan University of Technology, Польша), целлюлоза ва унинг

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: www.czu.cz, www.iitb.ac.in, www.unipage.net, www.cnr.it, www.put.poznan.pl, www.polandstudy.com, www.cextremelab.edu.rs, www.upm.es, www.umt.edu.pk, www.hotcourses.ru, www.gatech.edu, www.unist.ac.kr, www.tdtu.uz, www.tkti.uz, www.urmon.uz ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

эфирлари синтез қилинган, юқори механик ва оптик хоссаларга эга қоғоз турларини олинган (University of Science and Technology in Bydgoszcz, Польша ва Universidad Politécnica de Madrid, Испания), толалар орасидаги боғларнинг табиий аниқланган ва қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг структураси тавсия этилган (Georgia Institute of Technology, АҚШ), қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг деформацион - мустаҳкамлиги аниқланган ва табиий полимерларга хитозон кўшиш билан қоғоз олиш технологияси яратилган (Ulsan National Institute of Science and Technology (UNIST), Корея ва Тошкент кимё-технология институту, Ўзбекистон).

Дунёда табиий полимерлардан олинган композицион материаллар асосида термик, кимёвий ва биологик барқарор, изоляциялаш хусусиятларга эга қоғоз ва қоғоз маҳсулотлар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш бўйича қатор, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, маҳаллий табиий полимерларнинг физикавий ва технологик хоссаларини ўрганиш; органик табиий полимерлар, ноорганик боғловчилар асосида олинган композицион материалларни мустаҳкамлик хоссаларини аниқлаш; толалар орасидаги боғларнинг табиати ва характерини, қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг структурасига боғлиқлигини аниқлаш; деформацияга бардошли қоғозсимон минерал толали композит материаллар олиш; қоғозсимон минерал толали композицион материалларнинг филтрлаш ва иссиқликни ҳимоялаш хоссаларини исботлаш; маҳаллий хомашё асосида олинган маҳсус хусусиятларга эга қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг хоссаларини яхшилаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Целлюлоза ва толали тўлдирувчилар асосида янги турдаги қоғозсимон материаллар олиш технологияси ҳамда олинган материалларни хоссаларини ўрганиш бўйича Ulrich Hirn, W.W.Sampson, Stephan Kleemann, Heinz Ziegler, Said Abubakr, Raja Aravamathan, Dewei Qi, Alexandra Pekarovicova, Paul Fleming (Dan), Andrew Kline, Dharm Dutt, Surendra P Singh, Chhaya Sharma, И.В. Петрянов, Н.А. Фукус, Н.Д. Розен, А.А. Кирш, И.Б. Стечкин, И. Глюхова, С.Н. Иванов, Г.М. Горский, С.А. Пузырев, Б.П. Эрихова, Г.И. Чижов, А.М. Бочек, Х.У. Усманов, С.С. Негматов С.Ш. Рашидова, Т.М. Миркамилов, Г.Р. Рахманбердиев, А.А. Саримсаков, М.Т. Примкулов, А. Атаханов, А. Юсупбеков, Д. Набиев, И.А. Набиева, Д.Г. Гулямова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Улар томонидан бир ва кўп йиллик ўсимликлардан кимёвий қайта ишлашга яроқли целлюлоза ва унинг эфирларини синтез қилиш, юқори механик, физик ҳамда оптик хоссаларга эга қоғоз турларини олинган, полимер композициялар таркибини ишлаб чиқиш технологияларини такомиллаштириш тавсия этилган. Аммо, илмий адабиётларда кўплаб мақолалар мавжудлигига қарамадан, целлюлоза ҳамда ноорганик толлар композициясидан, қоғоз саноатининг иккиламчи чиқиндиси ва базальт толлари асосида янги турдаги қоғоз материллари ишлаб чиқариш бўйича етарли даражада илмий тадқиқотлар олиб борилмаган.

Шу билан бирга табиий полимерлар асосида целлюлоза ва қоғоз маҳсулотлари олиш, маҳаллий хом ашёлар асосида янги турдаги композицион

материаллар, импорт ўрнини босувчи, саноатда мақсадли фойдаланиш мумкин бўлган материаллар ишлаб чиқариш технологияларини яратиш йўналишида илмий ишлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №ЁА 12-03 «Бир ва кўп йиллик ўсимликлар ҳамда саноат корхоналарининг толали чиқиндилари асосида кимёвий қайта ишлашга яроқли бўлган целлюлоза олиш технологиясини саноат миқёсида қўллаш» (2012-2014 йй.) ва №ПЗ-2019-0901104903 «Ўсимликлар полимеридан техника мақсадлари учун ярим тайёр ва соф целлюлоза олишнинг самарали усулини ишлаб чиқиш» (2017-2019 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий хомашё асосида махсус хусусиятларга эга янги турдаги қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли ўсимликлардан целлюлоза олиш жараёнидаги омилларнинг хоссаларига таъсирини аниқлаш;

органик табиий полимерлар, ноорганик боғловчилар асосида олинган композицион материалларни мустаҳкамлик хоссаларини тадқиқ қилиш;

толалар орасидаги боғларнинг табиат ва характерини, шунингдек, қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг структурасини тадқиқ қилиш;

қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг деформацион-мустаҳкамлигини аниқлаш;

табиий полимерлардан қоғоз олиш жараёнида хитозон моддасини таъсири аниқлаш;

турли молекуляр оғирликка эга бўлган хитозан моддасини қоғознинг механик хусусиятларига таъсирини тадқиқ қилиш;

целлюлоза асосли қоғознинг сирт хусусиятларига хитозанни таъсири аниқлаш;

хитозан табиий елимини қоғоз сифатига таъсирини тадқиқ қилиш;

қоғозсимон минерал толали композицион материалларнинг филтрлаш ва иссиқликни ҳимоялаш хоссаларини тадқиқ қилиш;

маҳаллий хомашё асосида озиқ-овқат, кимё, ёғ-мой ва нефтни қайта ишлаш, қишлоқ ва халқ хўжалиги соҳалари учун махсус хусусиятларга эга бўлган янги турдаги қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олиш технологик жараёнларини тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли ўсимлик целлюлозалари, органик ва ноорганик тўлдирувчилар ҳамда қоғоз саноатининг иккиламчи хом ашёси олинган.

Тадқиқотнинг предмети дастлабки хомашё, органик табиий полимерлар, ноорганик боғловчилар асосида олинган композицион қоғоз, филтр материаллар олиш усулларини ва олинган тайёр маҳсулотнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда «қоғоз ишлаб чиқариш технологик жараёнларни ташкиллаштириш қоидалари»да келтирилган умумий ҳамда замонавий кимёвий ва физик - кимёвий усуллар, шунингдек, олинган натижаларни тўлиқ омилли эксперимент услуби ёрдамида қайта ишлаш усуллари қўлланган, тажриба натижаларининг ишлаб чиқариш билан адекватлиги, олинган таркибларнинг технологик ва эксплуатацион хусусиятларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

таркибида целлюлоза сақловчи маҳаллий бир йиллик ўсимликлардан целлюлоза олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

органик табиий полимерлар ва ноорганик боғловчилар асосида олинган композицион материалларнинг механик, физик-кимёвий хоссаларига исботланган;

қоғозсимон минерал толали композит материалларнинг структураси ва деформацион-мустаҳкамлиги аниқланган ва толалар орасидаги боғларнинг табиати ва характери билан боғлиқлиги асосланган;

бир ва кўп қаватли юқори самарали қоғозсимон минерал толали ўрам ва фильтр материалларини тайёрлаш рецептураси аниқланган ва таркиб нисбатларининг иссиқликни ҳимоялаш ва филтрлаш хоссаларига боғлиқлиги исботланган;

қоғоз саноатининг иккиламчи чиқиндиларидан ферментатив гидролиз орқали олинган биопарчаланувчи наноцеллюлозанинг сув шимиш, ҳаво оқими ва мутлоқ ёрилишга қаршилик кучи аниқланган;

маҳаллий табиий полимерлардан қоғоз олиш жараёнида хитозон моддасини қоғознинг механик, физик-кимёвий хоссаларига бевосита боғлиқлиги исботланган;

маҳаллий ипак қурти хитинидан олинган паст ва ўрта молекуляр оғирликка эга бўлган хитозан моддасини қоғознинг сирт хусусиятларига, қоғознинг ялтироқлик хоссаси ҳамда қоғоз массаси юзасида водород боғларнинг кескин ошишига таъсири исботланган;

целлюлоза ва маҳаллий базальт толалари асосида олинган янги турдаги қоғознинг механик хоссалари (узулиш узунлиги, йиртилишга мустаҳкамлиги, сувни кам шимиши, икки томонлама букилишлар сонини ортиши) га хитозан моддасини таъсири аниқланган;

маҳаллий хомашё асосида озиқ-овқат, кимё, ёғ-мой ва нефтни қайта ишлаш, қишлоқ ва халқ хўжалиги соҳалари учун махсус хусусиятларга эга бўлган қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олиш технологияси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

табиий полимерлар, ноорганик боғловчилар ва хитозан асосида қоғоз материаллари ишлаб чиқаришнинг мақбул шароитлари аниқланган;

маҳаллий хомашёлар асосида паст зичликли фильтр материаллари олиш технологияси ишлаб чиқилган;

бир ва кўп қаватли минерал толали ўрам ва фильтр материаллари ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

маҳаллий хомашё асосида махсус хусусиятларга эга филтър ва изоляция қоғоз материаллар олишнинг инновацион технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотда муаммонинг аниқ қўйилиши, математик ҳисоблашларнинг аниқлиги, назарий изланиш билан асосланганлиги ва замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларининг қўлланилганлиги ҳамда олинган тажриба натижаларининг ишлаб чиқариш синовлари натижаларига мос келиши тадқиқот натижаларининг ишончилигини тасдиқлайди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти турли толали таркибда целлюлоза сақловчи ўсимликлар пояларидан олинган целлюлозаларнинг физик, физик-кимёвий ва структура хоссаларининг улардан олинган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари ўртасида боғлиқликнинг, қоғознинг сиртида водород боғининг миқдорини ошишига хитозан моддасининг таъсирини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти табиий полимерлардан самарали композицион материаллар олиш, органик ва ноорганик толалар ҳамда ипак курти хитинидан олинган паст ва ўрта молекуляр оғирликка эга бўлган хитозан асосида юқори термик, кимёвий ва биологик барқарор, изоляциялаш хусусиятларига эга таркиб яратилиб, қоғоз ва қоғоз маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг такомиллашган технологияси амалиётда фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий хомашё асосида махсус хусусиятларга эга янги турдаги қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

целлюлоза, ноорганик толали тўлдирувчилар ва хитозан таркибли композиция асосида олинган ўрам қоғози олиш технологияси «TECHNO PRINT» МЧЖда ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2022 йил 10 октябридаги 05/15-2522-сон маълумотномаси). Натижада, кимёвий барқарор, нам ҳавога чидамлиги, сувни кам шимувчи, қийин ёнадиган ўрам қоғозлар ишлаб чиқариш имконини берган;

бир ва кўп қаватли юқори самарали қоғозсимон минерал филтър материаллари «Yangiyo'l yog'-moу» АЖда ишлаб чиқариш амалиётига жорий этилган (ЎзР «Yog'-moу sanoati korxonalari» уюшмасининг 2022 йил 5 сентябрдаги НМ/3-737-сон маълумотномаси). Натижада, ёғ мой саноатида фойдаланиб келинаётган «Белтинг» матосини маҳаллий филтър қоғоз билан тўлиқ алмаштириш имконини берган;

органик ва ноорганик толали тўлдирувчилар ҳамда хитозан асосида олинган толали ўрам қоғоз «Qalbinur Fayz Mebel» МЧЖда ишлаб чиқариш амалиётига жорий қилинган (Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати корхоналари уюшмасининг 2022 йил 10 октябридаги 05/15-2522-сон маълумотномаси). Натижада, мебел саноати учун хориждан келтирилаётган ўрам қоғозини 100 % алмаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 5 халқаро ва 24 республика илмий-техник анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 40 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари (DSc) асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан 8 та республика ва 3 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 215 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Табиий полимерлар, улар асосида олинган композицион материаллар ва уларни қўлланилиш соҳалари**» деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган илмий тадқиқотларнинг натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг таҳлили батафсил баён этилган. Маълумотлар умумлаштирилган ва илмий таҳлил қилинган. Целлюлоза ва ноорганик тўлдирувчилар асосида қоғозсимон композицион материаллар олинган ва уларнинг хоссалари ҳамда ишлатилиш соҳалари тадқиқотчилар томонидан кенг ўрганилган. Табиий полимерлар ва минерал толалар айниқса базальт асосида махсус хоссаларга эга бўлган композициясидан қоғозсимон материаллар олиш ва технологияси бўйича етарлича ўрганилмаганлиги келтириб ўтилган. Илмий адабиётлардаги манбалар асосидаги хулосалардан келиб чиқиб, диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари белгилаб олинган.

Диссертациянинг «**Қоғозсимон материаллар ҳамда ингредиентларнинг физик-кимёвий ва технологик хоссаларини ўрганиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот материаллари, уларнинг тавсифи, кимёвий реагентларнинг физик-кимёвий хоссалари, таркибида целлюлоза сақловчи хом ашёлардан целлюлоза олинган усуллари, олинган целлюлозалар асосида таркибида минерал толалар бўлган қоғозсимон материаллар олиш, уларнинг хоссаларини ўрганиш методикалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўсимлик полимерлари ва ноорганик толалар асосида қоғозсимон композицион материаллар олиш**» деб номланган учинчи бобида ишқорий усулда таркибида целлюлоза сақловчи хом ашёлардан целлюлоза олишни тадқиқ этиш орқали синтез қилинаётган целлюлозанинг турли сифат кўрсаткичлари, улардан олинган маҳсулотлар сифатига, кўп

валентли металлларнинг гидроксид комплекслари ва ноорганик боғловчилар асосида тайёрланган материалларнинг физик-механик мустаҳкамлигига таъсир этишини таҳлилига бағишланган.

Маҳаллий таркибида целлюлоза сақловчи хом ашёлардан целлюлоза олишда ишқор концентрацияси 10 г/л дан 30г/л оралиғида, 25-150°С ҳароратда, 30-90 минут давомида пиширилди. Олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичи ўрганилди (1-жадвал).

1-жадвал

Табий полимерлардан целлюлоза олиш ва унинг сифат кўрсаткичларига ишқор коцентрациясини таъсири келтирилган

Целлюлоза олинган хом ашё тури	NaOH, г/л	Целлюлоза унуми, %	ПД	α- целлюлоза, %	Кул миқдори, %
Дзапояси	10	40.0	750	89.8	0.96
	15	41.5	800	90.9	0.91
	20	42.0	850	90.4	0.84
	25	39.3	700	89.6	0.99
Софлор ўсимлиги	10	43.1	950	90.7	0.90
	15	50.0	1050	92.4	0.77
	20	45.3	1000	90.5	0.89
	25	40.1	900	89.0	0.95
Сомон пояси	10	46.2	900	91.0	0.85
	15	49.1	1000	91.8	0.80
	20	48.2	950	91.2	0.79
	25	42.3	850	90.4	0.83
Топинамбур ўсимлиги	10	18.2	-	-	1.33
	15	30.2	-	-	1.20
	20	45.4	1200	90.4	0.89
	25	42.6	1050	90.6	0.82
Зиғир пояси	10	43.1	950	90.7	0.90
	15	50.0	1050	92.4	0.77
	20	45.3	1000	90.5	0.89
	25	40.1	900	89.0	0.95
Солиштириш учун пахта момиғи (Б-типи)	10	84.8	1472	96.8	0.25
	15	88.1	2078	97.8	0.22
	20	93.0	2403	98.4	0.18
	25	91.5	2369	98.8	0.16

Натижалар таҳлили кўрсатдики, ишқор концентрациясининг ортиб кетиши ҳам, камайиб кетиши ҳам, целлюлоза унумига салбий таъсир кўрсатиши аниқланди. Кам концентрацияли ишқорда пояни пишириш целлюлоза ҳосил бўлишини қийинлаштиради, натижада яримцеллюлозаларнинг миқдори кўпайиб кетади. Аксинча ишқор концентрациясининг ортиши ҳосил бўлган целлюлозаларнинг деструкцияга учрашига олиб келади.

Целлюлозани унуми ва сифатига оқартирувчини концентрациясини танлаш целлюлоза учун муҳим саналади. Шунинг учун топинамбур поясидан олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларига оқартириш жараёнидаги H_2O_2 концентрациясини таъсири ўрганилди (2-жадвал). Жадвалдан кўриниб турибдики, оқартирувчи реагент концентрацияси ошиб бориши билан целлюлозанинг оқлик даражаси ва унинг α -целлюлозаси миқдори ижобий тарзда ортиб боради, таркибидаги кул миқдорини сезирарли даражада пасайишига олиб келади, аксинча целлюлозанинг полимерланиш даражаси эса камаяди.

Бундан ташқари, бир йиллик ўсимликлар композициясидан қоғоз маҳсулотлари олинди, олинган қоғознинг муҳим кўрсаткичлари бўлган узилиш узунлиги, узилишга қаршилик кучи ва икки томонга букилишлар сони каби физик-механик хоссалари ўрганилди ва уларнинг таҳлили 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Топинамбур ва зиғир ўсимлиги пояси асосида олинган целлюлозанинг сифат кўрсаткичларини оқартириш жараёнидаги H_2O_2 концентрациясини таъсири

№	H_2O_2 г/л	Целлюлозанинг сифат кўрсаткичлари				
		Целлюлоза унуми, %	Полимерланиш даражаси (ПД)	α – целлюлоза, %	Оқлик даражаси, %	Кул миқдори, %
Топинамбур ўсимлиги пояси асосида олинган целлюлоза						
1	2.0	18.2	-	-	30	1.33
2	2,5	30.2	-	-	34	1.20
3	3.0	45.4	820	90.4	78	0.89
4	3,5	42.6	740	90.6	80	0.82
5	4.0	39.1	700	91.4	84	0.78
Зиғир ўсимлиги пояси асосида олинган целлюлоза						
1	2.0	20.2	-	-	33	1.03
2	2,5	43.1	950	90.7	36	0.90
3	3.0	50.0	1050	92.4	80	0.77
4	3,5	45.3	1000	90.5	81	0.89
5	4.0	40.1	900	89.0	84	0.95

Натижалар таҳлили (3-жадвал) шуни кўрсатадики, топинамбур-зиғир ўсимликлари целлюлозаси асосида олинган қоғоз намунаси, топинамбурдан олинган қоғоз намуналар сифат кўрсаткичларига нисбатан пастроқ кўрсаткичларни намоён қиляпти. Бошқа ўсимлик целлюлозаларига қараганда топинамбур целлюлозасини мустаҳкамлиги, тола узунлиги, реакцион қобилияти каби хоссаларини инобатга олиб кейинги тадқиқот учун топинамбур танлаб олинди. Кейинги босқичда топинамбур ўсимлиги поясидан олинган целлюлоза билан базальт толасидан композиция тайёрлаб, унинг физик-механик хоссалари ўрганилди (4-жадвал). Тўлдирувчи сифатида илк бор базальт толасини танлашимиздан мақсад базальт толаси олинган қоғозга иссиқбардошлик, мустаҳкамлик ва сувга чидамлик хусусиятларини беради.

**Таркибида целлюлоза сақловси ўсимликлар целлюлозаси
композициясидан олинган қоғознинг физик-механик хоссалари**

№	Композициялар таркиби	Композициялар таркиби нисбати, %	1 м ² массаси, г	Узилиш узунлиги, м	Узилишга қаршилик кучи, Н	Икки томонга букилишлар сони
1	Топинамбур целлюлозаси	100	120	2050	26,5	8
2	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	75:25	120	2193	27,0	15
3	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	50:50	120	2895	35,5	39
4	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	25:75	120	2850	36,8	48
5	Зиғир пояси целлюлозаси	100	120	2690	33,4	55

Базальт – дунёда энг кўп тарқалган магматик тоғ жинси ҳисобланади. Унинг кимёвий таркиби: SiO₂ - 45 - 52%, Al₂O₃ - 15 - 18 %, Fe₂O₃ - 8 - 15%, CaO - 6 - 12, MgO - 5 - 7% ва бошқалар. Солиштирама оғирлиги 2,6-3,11 г/см³. Суюқланиш температураси 1100-1450 °С. Ўзбекистонда Наманган вилоятининг Чуст, Жиззах вилоятининг Фориш туманларида кенг қазилмалари бор.

Топинамбур- зиғир пояси целлюлозаси ва топинамбур целлюлозаси-базальт толаси аралашмасидан олинган қоғознинг физик-механик хоссалари

№	Композициялар таркиби	Композициялар таркиби нисбати, %	1 м ² , массаси, г	Узилиш узунлиги, м	Узилишга қаршилик кучи, Н	Икки томонга букилишлар сони
Топинамбур ва зиғир целлюлозалари аралашмасидан олинган қоғоз						
1	Топинамбур целлюлозаси	100	120	2050	26,5	8
2	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	75:25	120	2193	27,0	15
3	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	50:50	120	2895	35,5	39
4	Топинамбур ва зиғир пояси целлюлозалари	25:75	120	2850	36,8	48
5	Зиғир пояси целлюлозаси	100	120	2690	33,4	55
Топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси аралашмасидан олинган қоғоз						
1	Топинамбур целлюлозаси	100	120	2050	26,5	8
2	Топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси	75:25	120	2693	31,2	20
3	Топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси	50:50	120	3050	38,5	38
4	Топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси	25:75	120	2980	40,8	44
5	Базальт толаси	100	120	2978	36,8	50

Тадқиқотлар давомида таркибида алюминийли бирикмалар бўлган ўсимлик толали қоғоз, намуналарни қисқа муддатда 150-200 °С да иссиқлик билан ишлов берилганда бу намуналарда намликка нисбатан мустаҳкамлик пайдо бўлиш механизми ўрганилди. Қоғозда намликка нисбатан чидамлилиқ толалар орасида гемиацетал боғлар пайдо бўлиши ҳамда алюминийнинг ярим ядроли комплексидаги боғнинг шакли ва энергияси ўзгариши натижасида содир бўлиши тахминан аниқланди. Шу боис, иссиқлик билан ишлов беришнинг алюминий бирикмали қўшимчаси бўлган минерал толали намуналарнинг мустаҳкамлигига таъсирини ўрганиш, шубҳасиз назарий ва амалий аҳамиятга эга. Юқоридагиларга асосланган ҳолда учта асосий омилларнинг таъсири кенг диапазонда ўрганиб чиқилди, яъни боғловчининг миқдорини таъсири (5 дан 30 % гача), қоғоз материални қуйишдаги муҳитнинг таъсири: кам кислотали (рН 4,5 - 5), нейтрал (рН 6,5 - 7) ва кам ишқорий (рН 9 - 9,5) ҳамда иссиқлик билан ишлов беришдаги ҳароратнинг таъсирида. Термогравиметрик таҳлил натижаларига кўра, алюминий ярим ядровий гидрокомплексининг ички координацион сферасидаги молекулаларнинг маълум бир қисми, хаттоки 180°С гача бўлган ҳароратда чиқариб юборилади. Шу боис, намуналарнинг бир қисмига электр қуритгичда одатдагидай 120°С ҳароратда қуритилишга қўшимча равишда яна 200°С ҳароратда ҳам 15 минут давомида ишлов берилади.

5-жадвал

Боғловчиларнинг дағал базальт толали композицион қоғозсимон материалларнинг мустаҳкамлигига таъсири

Иссиқлик билан ишлов бериш (қоғозсимон материалларни қуйишда)		Қоғоз қуйишдаги муҳит, рН	Боғловчи тури								
			Al ₂ (SO ₄) ₃			NaAlO ₂			AlCl ₃		
			Боғловчи сарфи, %								
			10	20	30	10	20	30	10	20	30
Қиздирилмаган да	σ _p , кПа	4,5-5	530	710	790	170	230	380	155	190	310
Қиздирилганда			670	810	790	170	300	400	190	240	350
Қиздирилмаганда	σ _p , кПа	6,5-7	290	760	780	620	320	1780	840	1070	1420
Қиздирилганда			270	840	350	620	310	1200	750	1160	1540
Қиздирилмаганда	σ _p , кПа	9-9,5	820	1000	1210	900	2120	2140	1540	1280	1810
Қиздирилганда			830	980	1490	1230	2080	1990	1170	1510	1460

Ўрганилаётган омилларнинг таркибида мустаҳкамловчи сифатида дағал ва нозик базальт толалари бўлган қоғоз каби материалларнинг мустаҳкамлигига таъсири 5-6 жадвалларда келтирилган. Иссиқлик билан ишлов бериш материалнинг мустаҳкамлигига фақат боғловчи сифатида алюминий сульфат хизмат қилувчи вариантлардагина ижобий таъсир кўрсатади.

Минерал толали қоғозсимон материаллар мустаҳкамлигини иссиқлик билан ишлов бериш доим ҳам самарали бўлганлиги учун кейинги тажрибаларимизда биз толалар диаметрини композицион материалларнинг мустаҳкамлигига таъсирини ўргандик (7-жадвал). Ўта нозик базальт тола ўлчамининг материал мустаҳкамлигига таъсири ҳақидаги умумий маълумотлар боғ ҳосил бўлишида солиштирма сиртнинг мустаҳкамлигини камайтирувчи қўшимча омил мавжуд эканлигини кўрсатади.

6-жадвал

Боғловчиларнинг нозик базальт толали композицион қоғозсимон материалларнинг мустаҳкамлигига таъсири

Иссиқлик билан ишлов бериш (қоғозсимон материалларни куйишда)		Қоғоз куйишдаги муҳит, рН	Алюминий бирикмали боғловчи тури								
			Al ₂ (SO ₄) ₃			NaAlO ₂			AlCl ₃		
			Алюминий бирикмали боғловчи сарфи, %								
			10	20	30	10	20	30	10	20	30
Қиздирилмаганда	σ _p , кПа	4,5-5	310	600	770	80	240	200	190	200	620
Қиздирилганда			400	790	840	70	280	110	140	120	510
Қиздирилмаганда	σ _p , кПа	6,5-7	430	850	860	250	630	610	560	810	1160
Қиздирилганда			550	780	910	210	630	550	350	800	900
Қиздирилмаганда	σ _p , кПа	9-9,5	440	920	920	510	780	1200	180	440	450
Қиздирилганда			580	820	720	480	640	1030	120	410	440

Масалан, ўта нозик базальт толанинг солиштирма сирти диаметри 0.25 бўлса, яъни 0.75 диаметрли ўта нозик базальт толадан 3.6 марта катта бўлади, бундай толали материаллар тортилганида уларнинг мустаҳкамлиги фақат ўртача 2 марта кўпроқ бўлади холос.

7-жадвал

Боғловчиларнинг ўта нозик базальт толали композицион қоғозсимон материалларнинг мустаҳкамлигига таъсири

Толалар диаметри (қоғозсимон материалларни куйишда)		Қоғоз куйишдаги муҳит, рН	Алюминий бирикмали боғловчи тури								
			Al ₂ (SO ₄) ₃			NaAlO ₂			AlCl ₃		
			Алюминий бирикмали боғловчи сарфи %								
			10	20	30	10	20	30	10	20	30
0.25	σ _p , кПа	4,5-5	520	500	470	600	580	500	550	530	440
0.75			260	240	200	390	370	310	280	250	150
0.25	σ _p , кПа	6,5-7	580	520	490	630	620	540	620	600	420
0.75			290	200	170	400	370	330	350	330	240
0.25	σ _p , кПа	9-9,5	560	510	420	590	510	390	550	530	420
0.75			300	270	220	380	370	300	380	340	220

Ўта нозик базальт толанинг солиштирма сирти ва унинг боғлари мустаҳкамлиги орасидаги қайд этилган фарқ пропорционаллик бузилганлиги сабабли уларнинг ўзгариши композицион қоғоз ҳосил қилувчи структура билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин (қаттиқ толаларнинг контакти сирт бўйича эмас

балки чизик бўйича амалга оширилади). У ҳолда мустаҳкамликнинг ўзгариши контактлар сонининг ўзгаришига пропорционал бўлади.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш давомида тола тайёрлашдаги технологик сабаблар ва бундаги фильера диаметри камайиши билан ўта нозик базальт толанинг мустаҳкамлиги ҳам пасайишига ёки тола сиртининг микрорельефининг ўзгаришига олиб келувчи нуқсонларга боғлашимиз мумкин. Бироқ тажриба маълумотларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, сабабни фақатгина индивидуал толаларнинг шахсий мустаҳкамлигига боғлаш тўғри эмас.

Диссертациянинг «**Композиция таркибига қўшилган хитозанни қоғоз сифатига таъсирини ўрганиш**» деб номланган тўртинчи бобида қоғознинг сифатига хитозан моддасини таъсири ўрганилган бўлиб, хитозан деацетиллаш даражаси қоғознинг турли хил хусусиятларига таъсирини, шу жумладан узилиш узунлиги, ёрилиш индекслари, йиртилиш индекслари, валентлик энергиясини сингдириш, чўзиш, икки томонлама букилишлар сони, сирт таранглиги, сув шимувчанлиги, сирт энергияси, силлиқлик, ҳаво ўтказувчанлиги, унинг сиртига қўлланганидан кейин сув буғларини ўтказиш даражаси ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган.

Хитозан табиий, биологик парчаланадиган ва токсик бўлмаган полимер бўлиб, у хитиннинг деацетиллаш орқали олинади. Хитозан эркин тақсимланган β- (1-4) боғланган Д-глюкоза (деацетилланган бирлик) ва Н-асетил-Д-глюкозаминдан ташкил топган чизикли полисахариддир. Унинг молекуляр тузилиши целлюлозага ўхшайди, аммо хитозанда С-2 гидроксил гуруҳлари ацетамин гуруҳлари билан алмаштирилади. Хитозан юқори реактивликка, нурланиш таъсирига барқарорликка, сорбцияланиш қобилиятига, селективликка, тирик тўқималар билан биологик мослашувчанликка ва биологик парчаланишга эга. Хитозанни ушбу хоссаларини инобатга олиб биз тадқиқотларимизда хитозанни қоғознинг таркибига киритдик ва хоссаларини таҳлил қилдик.


8-жадвал

Ҳар хил деацетиллаш даражали хитозанининг характеристикаси

Хитозан	Концентрацияси, %	Кўрсаткичлари					
		Деацетиллаш даражали, %	Намлиги, %	Кул микдори %	1% эритманинг 30°C да қовушқоқлиги, СП	1% ли эритма мухити рН	1% эритманинг оқим потенциалли
1.0	75	14.8	1.35	185	3.81	+322	4900
	85	14.6	1.05	180	3.89	+386	5416
	95	14.4	0.45	120	3.98	+395	6254


Ўрам қоғоз юзасида ҳар хил деацетиллаш даражасидаги хитозан эритмаларини қўллаш. Турли деацетиллаш даражали хитозан эритмаларини қўллаш РК босма қопламаси ёрдамида амалга оширилди. Уч турдаги хитозан

эритмаларини ўрам қоғозга сиртдан суриш учун ишлатилган. Эритмалар хона ҳароратида сақланди ва бир хил ҳароратда сирт қўлланилиши амалга оширилди. Ўрам қоғоз юзасидаги барча хитозан эритмаларининг дозаси $1,0 \pm 0,2$ г/м² атрофида доимий ушлаб турилди. Турли деацетиллаш даражали хитозан эритмаларининг ёпишқоқлиги $30 \pm 1^\circ\text{C}$ да ҳар хил эди. Хитозанни сиртдан татбиқ этгандан сўнг, ўрам қоғозни $103 \pm 2^\circ\text{C}$ да 120 сония давомида печда қуритилди. Печда қуритгандан сўнг, сирт билан ишланган барча қоғозлар ISO: 187 бўйича 24 соат давомида $27 \pm 2^\circ\text{C}$ ва $65 \pm 5\%$ нисбий намликда бир хил ҳолга келтирилди. Турли деацетиллаш даражали хитозанларининг характэристикаси 8-жадвалда келтирилган.



1-расм. Турли деацетиллаш даражасига эга бўлган хитозаннинг қоғоз узилиш узунлиги ва йиртилиш кўрсаткичларига таъсири

Ўрам қоғоз учун узилиш ва чўзилиш каби хусусият ҳам жуда муҳим ҳисобланади. Бундай кўрсаткич халқ хўжалиги учун ишлатиладиган қоғоз пакетлар, уларнинг ушлагичларини ва бу пакетлар осиб қўйилганда йиртилишга бўлган мустаҳкамлик учун жуда муҳимдир. Сиртга ишлов бэриш амалга оширилган қоғознинг дастлабки қисми МЙ/КЙ да $1.35 \pm 0.15/3.05 \pm 0.05$ ни ташкил этди. 75% деацетиллаш даражали, 85% деацетиллаш даражали ва 95% деацетиллаш даражали хитозан эритмалари билан сиртга суриш 3-расмда кўрсатилгандек, МЙда қоғознинг чўзилишини тегишлича 95,03%, 94,71% ва 93,75% га оширди. 85% деацетиллаш даражали, бу деацетиллаш даражали қоғозга мослашувчанликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.




2-расм. Турли деацетиллаш даражасига эга бўлган хитозаннинг қоғоз ҳаво оқимига қаршилиқ кучи ва мутлақ ёрилиш кучига таъсири


95% деацетиллаш даражали хитозан билан сиртдан қўлланилгандан сўнг қоғознинг йиртилиш индекси машина йўналиши (МЙ)/қўндаланг йўналиш (КЙ) қоғозда 118%/115% га оширилганлиги аниқланди.

Қоғознинг қаттиқлиги табернинг қаттиқлиги билан ўлчанади. Турли деацетиллаш даражали хитозанни сиртдан татбиқ этиш Табернинг қаттиқлиги қоғоз қаттиқлигига таъсири КЙ шакллантирилган қоғозда ижобий эканлиги аниқланди. Қоғознинг Табер қаттиқлиги хитозан ишлатилмаган қоғозга нисбатан мос равишда 75% деацетиллаш даражали, 85% деацетиллаш даражали ва 95% деацетиллаш даражали хитозанни сиртга суришдан кейин 48.64%, 49.59% ва 51.95% га яхшиланди. Агар олинган ўрам қоғоз шакллантирилиши икки қават бўлса материал мустаҳкамлиги икки баробар ўсиши кузатилди.


Хитозаннинг хусусиятларидан бири бу варақ юзасига суртилганда қоғознинг сирт хусусиятларини яхшилайдиган плёнкалар ҳосил қилиш қобилиятидир. Ушбу тадқиқотнинг бошида унинг плёнка ҳосил қилиш қобилиятига концентрация ёки қўшилиш техникаси таъсир қилиши кераклиги кўриб чиқилди. Хитозан турли концентрацияли эритмаларда тайёрланган ва қоғозларга доимий ҳажмларда суртилган.




1.0% хитозан қўшилган қоғоз



1.5% хитозан қўшилган қоғоз



2.0% хитозан қўшилган қоғоз



2.5% хитозан қўшилган қоғоз


3-расм. Турли концентрацияларда хитозаннинг плёнка ҳосил қилиш потенциали

Қоғозларнинг плёнка ҳосил қилиш хусусиятлари SEM ёрдамида текширилди. 3-расмда 0,5-2% концентрацияларда пуркаш техникасидан фойдаланилганда хитозаннинг плёнка ҳосил қилиш потенциали кўрсатилган. 0,5% концентрацияда хитозан қоғоз юзасида ҳеч қандай плёнка ҳосил қила

олмади. Пастроқ концентрацияларда хитозан пастроқ ёпишқоқлиги туфайли қоғоз массасига ўтади деб тахмин қилинади. Бироқ, 1% ёки ундан юқори концентрацияда хитозан қоғоз юзасида плёнка ҳосил қила олди. Назорат қоғозни хитозан ўлчамдаги қоғоз билан таққослаш шуни кўрсатадики, хитозан концентрацияси унинг плёнка ҳосил қилиш қобилиятига таъсир қилади. Юқори хитозан концентрацияси унинг сувли эритмаларининг юқори ёпишқоқлиги туфайли яхши плёнка ҳосил бўлишига олиб келади. Ёрқинлик ва шаффофлик қоғозни чоп этиш учун жуда муҳим параметрдир. Хитозан қўшилиши ёрқинликни бироз пасайтирди (0,5-1%) ва шаффофликни оширди, аммо ўзгаришлар сезиларли эмас эди.

Диссертациянинг «Таркибида органик ва ноорганик тўлдирувчилар сақлаган табиий полимерлар асосида олинган композицион материалларни турли қўлланилиш соҳаларда қўллаш» деб номланган бешинчи бобида маҳаллий хом ашёлар асосида филтёр материаллар олиш ва уларнинг шакллантириш жараёнига композиция таркибини таъсири, бир йиллик ўсимликлар целлюлозаси ва базальт толаси композицияси асосида олинган ўрам қоғозларнинг сорбцияланиш хоссалар бўйича тадқиқотлар натижалари ҳамда уларнинг таҳлили келтирилган.

Филтёр материаллар тайёрлашда топинамбур целлюлозаси ва пахта момиғи целлюлозаси ҳамда тола сатҳидаги механик мустаҳкамликни таъминлаш мақсадида базальт толаларидан фойдаланилди. Базальт толалар сув муҳитида манфий электр кинетик потенциалга эга. Бу кўрсаткич катталигининг абсолют қиймати рН 7 да максимал қийматга эга. Шунинг учун, базальт толаларни диспергирлаш нейтрал муҳитда олиб борилади ва афзалликлардан бири ҳисобланади. Олинган натижалар график тарзида (4,5-расмлар) кўрсатилган, бунда ўтказувчанлик коэффициенти истисно.




1-Бр, кПа; 2– р, мм сув ус.

4-расм. Икки қаватли филтёрлаш материалларнинг сифатига композицияларнинг таъсири

4-расмда топинамбур ва пахта момиғи целлюлозаси, 5-расмда топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси асосида композицияларни шакллантириш мустаҳкамлик хоссасига таъсири натижалари келтирилган. Саноатда қоғоз ва


қоғоз маҳсулотларини шакллантиришни уч тури мавжуд бўлиб, улар бир, икки ва уч қаватли шакллантиришдир. Натижаларга кўра, пахта момиги целлюлозаси ва топинамбур целлюлозаси (50:50) аралашмасидан тайёрланган композициялар учун икки қаватли шакллантириш ёмон натижаларга олиб келди, топинамбур целлюлозаси ва базальт толаси (50:50) дан тайёрланган фильтр материалларни икки қаватли шакллантиришга нисбатан яхши натижа берди.



1-бр, кПа; 2-р, мм сув ус.

5-расм. Икки қаватли фильтрлаш материалнинг сифатига композицияларнинг таъсири

Буни икки қатламли шакллантиришда толалар қисми кўпайиши билан изоҳлаш мумкин. Бунда олинган фильтр материалнинг мустаҳкамлиги ошишига эришилди.



1 – сувли майдалагич; 2 – қабул қилувчи ҳавза; 3 – композиция йиғувчи ҳавза; 4.1, 4.2, 4.3 – кимёвий моддалар баки; 5 – нозик тозалаш; 6 – тайёр масса ҳавзаси

6-расм. Филтёр материал олиш учун масса тайёрлаш технологик схемаси

Тадқиқотлар натижасида филтёр материал олиш учун осонлаштирилган масса тайёрлаш технологик схемаси ишлаб чиқилди (6-расм). Бу технологияга

кўра хом ашё сувли майдалагич (1)да титилиб, қабул қилувчи ҳавза (2)га, сўнгра композиция йиғувчи ҳавза (3)га келиб тушади ва унга белгиланган кимёвий моддалар қўшилиб масса ҳосил қилинади ва уни нозик тозалаш (5)га юборилади. Нозик тозалаш фильтр материал олишда жуда муҳим жараён ҳисобланади. Тозаланган масса қоғоз қуйиш машинасига юборилади.

9-Жадвал

Тажрибалар натижасида олинган фильтр материалнинг техник кўрсаткичлари

Техник кўрсаткичлар					
Таклиф этилаётган фильтрларнинг турлари	Ўтказиш хоссаси	Зичлиги, г/м ²	Қалинлиги, мкм	Қўлланиш шоралиғи, мкм	Куллик даражаси, %
F2040	Аста секин	90	170	8-9	<0.007
F2041	Тез	90	170	21-25	<0.007
F2042	Жуда секин	90	170	2-3	<0.007
F2043	Ўртача	90	170	15-17	<0.007
F2044	Секин	90	170	2-5	<0.007
F2045	Жуда тез	90	170	27-30	<0.007

Юқоридаги расда келтирилган филтр материал технологиячи асосида олти турдаги филтр материаллар олинган бўлиб унинг сифат кўрсаткичлари 9-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, филтр материалларнинг техник кўрсаткичларига қараб уларнинг ишлатилиш соҳалари танланади. Масалан ўтказиш хоссаси аста секин ва секин бўлган филтр материаллар асосан ёғ-мой саноати учун мўлжалланган.

